



БОСМА МЕДИА ТИЛИНИ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТДА ҮРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Israel Mukaddas Irgashevna
O'zDJTU va O'zJOKU professori

Аннотация

Социолингвистика лингвистиканинг тил ва жамият ўртасидаги муносабатларни ўрганадиган қизиқарли ва муҳим соҳасидир. Газета матнлари энг машҳур ва кенг тарқалган коммуникация воситаларидан бири бўлиб, социолингвистик таҳлиллар учун қимматли ашиёдир. Мазкур мақолада биз газета матнининг социолингвистик аспекти ва унинг жамиятга таъсирини, уни социолингвистик аспектда ўрганиш усулларини кўриб чиқамиз. Социолингвистика соҳасида шу пайтгача тилни тадқиқ қилишининг ноёб усуллари ишлаб чиқилмаган. Шунга қарамай, социология ва лингвистикага хос бўлган энг яхши усул ва техникаларни социолингвистлар томонидан қўллашга ҳаракат кетмоқда. Медиаматнларни таҳлил қилиши учун тадқиқотчилар контент-таҳлил, дискурсив таҳлил, лингвистик таҳлил ва бошқа турли усуллардан фойдаланадилар.

Аннотация

Социолингвистика – интересная и важная сфера, изучающая взаимоотношения между языком и обществом в лингвистике. Газетные тексты являются одним из самых популярных и распространённых средств коммуникации и являются ценным материалом для социолингвистического анализа. В данной статье мы рассмотрели социолингвистический аспект газетного текста и его влияние на общество, методы его исследования в социолингвистическом аспекте. В социолингвистике до настоящего времени не разработаны уникальные способы исследования языка. Несмотря на это, социолингвисты пытаются использовать лучшие методы и техники, применимые в социологии и лингвистике. Для анализа медиатекстов исследователи пользуются методами контент-анализа, дискурсивного анализа, лингвистического анализа и другими методами.

Summary

Sociolinguistics is an interesting and important field that studies the relationship between language and society in linguistics. Newspaper texts are one of the most popular and widespread means of communication and are valuable material for sociolinguistic analysis. In this article we have considered the sociolinguistic aspect of the newspaper text and its impact on society, methods of its research in the sociolinguistic aspect. In sociolinguistics, unique methods of language research have not yet been developed. Despite this, sociolinguists try to use the best methods and techniques applicable in sociology and linguistics. To analyze media texts, researchers use methods of content analysis, discursive analysis, linguistic analysis and other methods.

Газета матни – жамиятнинг кундалик воқеалари ва муаммолари ҳақида ахборот ва шарҳларни етказиш учун ёзма тилдан фойдаланадиган коммуникациянинг махсус шакли. Газета матнларини социолингвистик таҳлил





қилишда уларнинг ижтимоий-маданий контекстига, мақсадли аудиториясига ва коммуникация услугига эътибор қаратилади.

Газета матнини социолингвистик таҳлил қилишнинг асосий жиҳатларидан бири бу матн яратиладиган ва тарқатиладиган ижтимоий-маданий контекстни ўрганиш. Турли мамлакатлар ва маданиятлардаги газеталарнинг хусусиятлари ва услуги бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Масалан, турли сиёсий тизимлар ва маданий анъаналарга эга мамлакатлардаги газета матнлари бу фарқларни акс эттиради. Социолингвистик таҳлил газета матнлари ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга, сиёсий ва ижтимоий вазиятнинг газета мақолалари шакли ва мазмунига таъсирини ўрганишга ёрдам беради. Дарҳақиқат, замонавий дунёда медиалар, шу жумладан, босма медиалар муҳим аҳамият касб этади. Улар нафақат содир бўлаётган воқеалар ҳақида ахборот беради, балки жамоатчилик фикрини ҳам шакллантиради ва инсонларнинг хатти-харакатларига ҳам таъсир қиласи. Шу сабабли, медиа тилини социолингвистик аспектда ўрганиш жамиятнинг лисоний ва маданий аспектларини тушуниш учун муҳим вазифадир.

Социолингвистика соҳасида шу пайтгача тилни тадқиқ қилишнинг ноёб усуллари ишлаб чиқилмаган. Шунга қарамай, социология ва лингвистикага хос бўлган энг яхши усул ва техникаларни социолингвистлар томонидан қўллашга ҳаракат кетмоқда. Е.П. Чернобровкинанинг ёзишича, социолингвистика усуллари эмпирик тадқиқотлар билан боғлиқ бўлиб, материални тўплаш, маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усулларини ўз ичига олиши мумкин¹.

Газета публицистик услубни социолингвистик аспектдан ўрганишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, ушбу усуллардан бири – медиаматнларини таҳлил қилишдир. Т. Г. Добросклонскаянинг «Медиаматн: назария ва ўрганиш усуллари» номли мақоласида² медиаматнни тадқиқ қилиш назарияси ва методологияси ҳақида умумий материал тақдим этилган. Муаллифнинг ёзишича, медиаматнлар ёзма ахборот ҳамда расмлар, аудио- ва видеофайллар, графикалар

¹ Чернобровкина Е.П. К вопросу о методологии исследования медиатекстов: социолингвистический аспект // Вестник Бурятского государственного университета. Язык. Литература. Культура, 2014. – № 11. – С. 68-71.

² Добросклонская Т.Г. Медиатекст: теория и методы изучения. // Вестник Московского университета. Серия 10. Журналистика, 2005. – № 2. – С. 28-35.






ва бошқалар каби турли хил мультимедиа унсурларини ўз ичига олган матнлардир.³ Медиаматнлар таҳлилга алоҳида ёндашувни талаб қилувчи матнларнинг маҳсус туридир. Мақолада герменевтика, семиотика, социология ва бошқалар каби медиаматнларни ўрганишнинг асосий тушунчалари ва назарий ёндашувлари келтирилган. Мақолада, шунингдек, квалиметрик таҳлил, тармоқ таҳлили ва таркибни таҳлил қилиш каби медиаматнларни таҳлил қилиш усууллари кўриб чиқилади.

Т.Г. Добросклонскаянинг

таъкидлашича, медиаматнларини ўрганишда нафақат уларнинг мазмунини, балки шакли, тузилиши, контексти ва бошқаларни ҳам инобатга олиш зарур ва бу катта ҳажмдаги ахборотни таҳлил қилишнинг мураккаблигини, янги усул ва технологияларни ишлаб чиқиш заруратини ва бошқаларни келтириб чиқаради⁴.

Медиаматнларни таҳлил қилиш учун тадқиқотчилар контент-таҳлил, дискурсив таҳлил, лингвистик таҳлил ва бошқа турли усууллардан фойдаланадилар (1- расм):

1-расм.



Контент-таҳлил сўзлар, гаплар, мавзулар ва бошқалар каби баъзи тил унсурларининг миқдори ва сифатини тадқиқ этишга имкон беради. Контент-таҳлил (мазмуннинг таҳлили) матнларни лингвистик нуқтаи назардан ўрганиш усууларидан биридир. Ушбу усул борасида А.В. Семенованинг “Контент-анализ в социологии: методологические новации” мақоласида ёритилган⁵. Мақолада муаллиф “Коммуникация бўйича тадқиқотлар соҳасидаги тадқиқот вазифаларининг тобора мураккаблашиб бориши, миқдорий ва сифатий

³ Добросклонская Т.Г. Указ. соч. Там же.

⁴ Добросклонская Т.Г. Указ. соч. Там же.

⁵ Семенова А.В. Контент-анализ в социологии: методологические новации. kontent-analiz-v-lingvisticheskikh-issledovaniyah.pdf.





усулларни чоғиширишнинг аниқ афзалликлари тадқиқотчиларни мантикий равиша контент-таҳлилни киритиш ва шу асосда ушбу усулнинг янги модификацияларини ишлаб чиқиш тадқиқотчиларга янада мураккаб муаммоларни ҳал қилиш, муаммо майдонини кенгайтириш имкониятини беради, тадқиқот соҳаси, ўрганилаётган ҳодисаларнинг табиати тўғрисида сифат жиҳатидан янги, чукурроқ ва хилма-хил хulosалар олиш имкониятларини беради, деган фикрга келдилар”⁶ дея таъкилади.

Анъанавий контент-таҳлил кўпинча аниқ (манифест) ва яширин (латент) контент-таҳлил турларига бўлинади. Аниқ контент-таҳлил матннинг энг аниқ ва равшан белгиланган маъноларига йўналтирилган, яширин контент-таҳлил эса, хабарнинг нозик семантик ўзига хосликларини пайқайди, янада нозик, ноаниқ маънолар билан шуғулланади. Аниқ ва яширин контент-таҳлил матннинг турли аспектларига йўналтирилган, аммо иккаласи ҳам тадқиқот ўтказиш учун бир хил анъанавий контент-таҳлил қилиш методологиясидан фойдаланади⁷.

Кўриниб турибдики, контент-таҳлил – тадқиқотчиларга ўрганилаётган обьектга аралашмасдан ижтимоий феноменлар ҳақида хulosалар чиқаришга имкон берувчи барча турдаги матнларни, шу жумладан вербал ва визуал таҳлил қилиш усулини ўз ичига олади. Бу коммуникатор (медиаматн муаллифи) ва аудитория, хабар муаллифи ва ушбу хабар қабул қиувчи ўртасидаги коммуникация ядросини таҳлил қилиш тартибини билдиради. Ушбу усул тадқиқотчиларга яширин ахборий аспектларни аниқлашга имкон берувчи маҳсус танланган матн бирликларини статистик ҳисоблашга асосланганлиги билан ажralиб туради.

Таъкидлаш жоизки, контент-таҳлил қилишнинг умумий тартиби бир неча босқичларни ўз ичига олади. **Биринчидан**, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий имижини ўрганиш ва ҳ.к. каби матн тадқиқининг аниқ мақсад ва вазифаларини аниқлаш зарурати. **Иккинчидан**, ҳисоблаш бирликлари сифатида ишлатиладиган матннинг муҳим таркибий қисмларини ажратиб қўрсатиш лозимлиги **Учинчидан**, ишлов бериш учун мўлжалланган матн материалининг

⁶ Семенова А.В. Контент-анализ в социологии: методологические новации. kontent-analiz-v-lingvisticheskikh-issledovaniyah.pdf.

⁷ Berelson B. Content Analysis in Communications Research. Glance, 1952.





етарлича репрезентатив ҳажмини тўплаш зарурати⁸. Шунинг билан бирга матнда танланган белги-рамзларнинг статистик ҳисоб-китоби фоизларда ёки мутлақ сонларда амалга оширилиши ва ниҳоят, олинган маълумотлар тадқиқот мақсадларига мувофиқ илмий баҳоланиши зарурати. “...Мазмунни таҳлил қилиш ёки контент-таҳлил - оммавий (матнли, аудиовизуал, рақамли) ахборотни кейинчалик статистик ишлов бериб, миқдорий кўрсаткичларга ўтказиш. Одатда, контент-таҳлил кўплаб матнларни ўрганиш учун ишлатилади, уларнинг манбалари босма нашрлар, Интернет-ресурслар ва бошқа турдаги оммавий ахборот воситаларидир”. Унинг гояси жуда оддий ва социологиядаги ихтиёрий ҳар қандай бошқа миқдорий усул асосидаги тақрорлайди, хоҳ у анкеталаш ёки кузатув бўлсин: энг тез-тез тақрорланувчи сўзларни ёки мавзуларни, масалан, газета материалларидағини ҳисоблаш ва умумий тенденцияни аниқлаш керак бўлади. Бу ерда ўзига хослик айнан бир турдаги матнларни таҳлил қилиш учун статистик процедуralарни қўллашда. Шундай қилиб, анъанавий контент-таҳлил (инг. content analysis - мазмун таҳлили)ни аниқланган рақамли қонуниятларни кейинчалик мазмунли талқин қилиш мақсадида матнлар ва матний ҳажмларни миқдорий таҳлил қилиш сифатида таърифлаш мумкин⁹.

Ушбу услубнинг самарадорлиги шундаки, у тадқиқотчилар газета тилини ўрганиш учун социолингвистик сўровномалардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Сўровномалар газета матнларида қандай тилни афзал кўриш ва унинг қандай таъсири кўрсатиши, услуг ва мазмун баҳоси шунингдек газета тилининг жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий аспектлари билан ўзаро таъсири ҳақидаги саволларни ўз ичига олиши мумкин. Сўровнолар газета тили ва унинг социолингвистик хусусиятлари тўғрисида турли гурухларнинг фикрлари ва қарашларини жамлашга имкон беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, публицистик матнни контент-таҳлил қилишнинг асосий афзалликларидан бири сифатида матн орқали аниқ ва ишонарли маълумотларни олиш ва медиада акс эттирилган воқеавий ахборот тўғрисида объектив хulosалар чиқариш имконини берувчи миқдорий

⁸ Добросклонская Т.Г. Вопросы изучения медиатекстов (опыт исследования современной английской медиаречи). – М.: Едиториал УРСС, 2005. – 288 с.

⁹ Аберкромби Н., Хилл С., Тернер Б.С. Социологический словарь: пер. с англ. // под ред. С.А. Ерофеева. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Экономика, 2004. - С. 209.





ёндашувдир. Ушбу усул орқали медиаматн таҳлили жамиятнинг у ёки бу масалаларга, масалан, сиёsat ёки маданиятга муносабатини аниқлашда ҳам ёрдам бериши мумкин. Умуман олганда, контент-таҳлил усули босма медиа тилини ўрганиш учун самарали восита бўлиб, ушбу услубдан фойдаланиш замонавий жамиятда содир бўлаётган тенденциялар ва ҳодисалар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишга имкон беради.

Замонавий коммуникациявий тадқиқотлар тобора мураккаблашиб бормоқда ва уларни ҳал қилиш таҳлил миқдорий ва сифатий усулларининг уйғунлигини талаб қиласди. Бу тадқиқотчиларга хабарларнинг мазмунини (уларнинг қанчалик тез-тез узатилиши ва жамоатчилик таклифлари)ни аниқлаш, коммуникатор учун ахборотнинг аҳамиятини (уни тақдим этиш контекстидаги тартибида) баҳолаш, шунингдек, (тасаввурга, нуқтаи назарга ва далилларга кўра) қайси жиҳатлари яхши ёки ёмон, тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаш. Контент-таҳлил тадқиқотчиларга ахборотни тузиш ва унсурлар ўртасидаги мантиқий ва сабабий муносабатларни аниқлашга имкон беради¹⁰. Албатта, мураккаброқ вазифаларни ҳал қилиш ва тадқиқотнинг муаммоли маконини кенгайтириш учун тадқиқотчилар янги усулларни, шу жумладан, миқдорий усулларда сифатли таркибий қисмларини фаол равишда ишлаб чиқмоқдалар. Бу ўрганилаётган ҳодисаларнинг табиати тўғрисида чуқурроқ ва хилма-хил хуросаларни чиқариш ва янги вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, медиа тилини социолингвистик жиҳатдан ўрганиш жамиятнинг лисоний ва маданий жиҳатларини тушуниш учун муҳим вазифадир. Ушбу мақсадга эришиш учун тадқиқотчилар медиаматнларни таҳлил қилиш, тажрибавий тадқиқотлар ва медиаматнларни яратиш жараёнини кузатиш каби турли усуллардан фойдаланишлари мумкин. Медиа тилини социолингвистик жиҳатдан ўрганиш сиёsat, таълим ва медиа каби турли соҳаларда фойдали бўлиши мумкин.

¹⁰ Семёнова А.В., Корсунская М.В. Контентанализ СМИ: проблемы и опыт применения. // под ред. В.А. Мансурова. – М.: Изд-во Ин-та социологии РАН, 2010. – 324 с.

